14.15 ТВ анонс.  
14.20 «Ватан хақида кўшиқлар»  
14.45 «Спорт янгиликлар»  
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)  
15.10 ТВ анонс.  
15.15 «Келин-куёв»  
Телетомоша.  
«Болалар сайраси»  
15.10 «Элват гулчалари»  
2. «Этаклар»  
«Яхшиликлар этаклар»  
17.20 ТВ анонс.  
17.25 «Ешлик наволаири»  
17.40 «Интеллектуал равиш»  
18.20 «MAGGI»  
© Олтин ошона.  
18.45 «Ошин», Телесериал.  
19.15 «Ўзлот», Телесериал.  
19.25 «19.55, 20.50, 21.00»  
Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 ТВ анонс.  
20.05 «Ииллар армони»  
20.55 «Минг бир ири»  
21.00 «Ахборот»  
21.35 ТВ анонс.  
21.40 «Хайт давом этакди»  
22.00 «КиноТеатр»  
22.20 «Буни ҳайт дейди»  
Телесериал.  
22.45 «Кўшигимсан, мухаббат» (SMS. Овоз бериш)  
22.55 «Бенхур». Бадий фильм. 1-кисм.  
00.40-00.45 Ватан тимиоллари.

**«Ўзбекистон»**

**«Тошкент»**

Творческая группа телеканала «Тошкент» предлагает вашему вниманию музыкально-развлекательную программу под названием «с 8.00 до 13.00».  
17.20 Программа передач.  
17.30 Экран детям.  
17.40 CF-представление.  
«Сокровища зеленной долины»  
2-серия.  
18.30 Информационная программа «Пойтахт» (рус).  
19.00 «Нунака галла»  
Хажий Қўрашев.  
19.10 Телегазета «Экспресс»  
19.30 «Табриқлаймиз, кутлаймиз»  
20.00 Информационная программа «Пойтахт»  
20.20 «Табриқ-шоу»  
21.05 «Пойте с нами»  
22.05 Телегазета «Экспресс»  
22.25 «Ешлар даврасида»  
22.45 Кинокод: «Полет над гнездом кукушки»  
1-серия.  
23.55.24.00 «Спокойной ночи, мой город!»

**Россия**

5.00 «Доброе утро, Россия!»  
6.40 «Золотой ключ»  
7.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.  
7.10, 10.10, 16.20 Местное время. Вести-Москва.  
7.20 «Русское лото»  
7.55 «Военная программа»  
Александр Сладкова  
8.20 «Вокруг света»  
8.50 «Субботник»  
9.30 «Утренняя почта»  
10.20 «Сто к одному»  
Телеигра.  
11.15 «В поисках приключений»  
12.15 «Футболит Валерий Воронин. Попробуй лед»  
13.20 Детектив «Тайна записной книжки»  
15.00 «Портреты эпохи. Анатолий Добрынин»  
17.00 «Аншлаг и Компания»  
17.55 «Секрет успеха»<



КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОК БЎЛАДИ.  
Юсуфжон қизик Шакаржонов.

**МУСАҲҲИХ ЯНГИНШГАНЛА**

- Балиқчилар тўрига каттакон бит (кит) илинди.
- Овқатга озроқ муз (туз) қўшилса, яна ҳам мазалироқ бўлади.
- Тўрвани (шўрвани) қанча узок қайнатилса, шунча ширин бўлади.
- Ола сигирнинг орқасидан диконглаб тузоқ (бузоқ) эргашди.
- Болалар йўлда текин (секин) юринглар, чопманглар. (Ўқитувчининг дегани).
- Қишлоғимизда топагон (қопагон) итлар бор. (Сухбатдан).
- Эҳ, эсим курсин, пастликда (мастликда) сени танимай, хўп сўқибман-да. (Эрнинг хотинига дегани).
- Менинг ёрим майдадир (қайдадир). (Қўшиқдан).
- Мана холалар (болалар) дунёсига ҳам етиб келдик. (Хайдовчининг дегани).

**АНТИҚА ИБОРАЛАР**

- Келинингиз хунук бўлса, онасидан ўпкаламанг.
- Тикансиз гул, арази йўқ келин бўлмас.
- От оёғидан топар, келин тилидан.
- Келининг гайрати қайнона келганда жўшар.
- Ой тунда керак, келин кунда.
- Қайнона — генерал, келин — аскар.
- Қайнонанг сенга боқмаса, сен қайнонанга боқ.
- Шошган қиз қайнонага ёлчимас.

Якшанба куни эрта саҳардан Содиқжоннинг хотини яна жаврашини бошлади. Ҳар куни шу аҳвол. Илгари Содиқжон бозорда олди-сотди билан шугулланиб ишга эрта кетиб кеч қайтарди. Шунинг учун билмас экан. Мана икки ойдики, ишдан чарчадим, соғлиғим ҳам яхши эмас, бир санаторийга бориб даволаниб келаман, деб озгина пул йиғиб қўйганди. Хотини бўлса мактабда ўқитувчи. Қоқ пешинда уйга етиб келди. Уй, рўзгор, дегандек, тирикчиликнинг ўзи бўлмай қолди. Бу ҳам майли, икки қизларини узатиб, ҳали қутулишмайди. Мана эрталабдан яна шу ғавго бошланди. Саодатхон чой устида суҳбатлашиб ўтириб эрига яна дийдиси бошлади:

— Дадаси, энди, ўзингиз биласиз, қудачилик — минг йилчилик, ҳозир дам олишни қўйиб туринг, қудангизнинг туғилган куни экан, бормас бўлмайди. Қизимизнинг обрусини ўйласангиз, ўша ерда тиниб-тинчиб яшасин, десангиз, тузукроқ совға олиш керак.

— Ҳа, қизингни узатганимга ҳали бир йил бўрмади-ку, ҳамма нарсани олиб бориб бўлганмиз. Яна нимаси кам экан, — жиғийрони чикди Содиқжоннинг.

— Э, қизингизга эмас, қудамизга олиб борамиз энди, адаси. Шу бир янги чиққан магнитофонми, мусиқали марками, ёнига костюм-шим олсак, обрў билан кириб борамизда кейин. Ундан кейинки, адаси, катта қизингиз билан неварамизинг туғилган куни келяпти, уларга ҳам совға олишимиз керак. — овозини пастлатиб секинлашди хотини.

— Ўйлаб гапиряпсанми, шунча пулни қаердан оламан, яқинда тўй қилган бўлсак... Бу ёқда акам тўй

қиялтилар, билсанг, тўйимизда катта тўёна берганлар, бизга. Ахир қайтаришим керак. Билсанми?..

— Ҳа, яхши эсимга солдингиз, анави жиним Анвар кеча тўйга айтиб кетди. Келаси оёғи у ҳам қизини чиқараётганмиш. У ҳам бизга саксон минг тўёна берган-а...

— Ҳа, берган, биламан. Уни ҳам қайтариш керак...

Шу пайт кўча эшик тақиллаб кимдир қақриб қолди.

Содиқжон кўчадан бўшашиб қайтди.

**ТЎЁНА ҲАНГОМА**

— Ҳа, нима гап экан, ким? — сўради хотини.

— Ким бўларди, яқин ошман Тўлқин, кейинги яқшанбага ўғил уйлантираётган экан. Тўйга айтиб кетди. Қадрдон оғайним. У ҳам менга тўёна берган...

— Вой, қанча, кўп берганмиди, адаси?

— Ҳа, у ҳам юз минг сўм берган. Биттагина ўғли бор ўзи. Унга ҳам тўёна қилишим керак.

— Нима қиламиз энди, ҳаммасига қилиш керак. — Саодатхон ўйлаб қолди. — Аксига олиб сиз ишламаётган бўлсангиз... Дам олишни кейинга қолдириб ишга чиқмасангиз бўлмайди, адаси, пул зарур, пул.

— Ҳа, сенга қолса, соғлиқдан ҳам пул зарур. Бу ҳар йили тўёнлар-у, қуда-андаларингга совға-салом олиб бориш учун пул заводи очишимга тўри келади. Қаерда ёзиб қўйибди, қудаларга қимматбахо совғалар қилиш шарт деб, — тўтоқди Содиқжон. — Ахир, қизларингни бекам-кўст узатамиз, деб дазмолидан тортиб супургисига, муз-

латгичу, телевизоргача қилдирдинг. Бўлди-да, энди, буюғига овозларини чиқаришмасин.

Эру хотин шу куни кечгача бошлари қотиб, хуноблари ошиб фикллашиб юришди.

Кечки томон бирдан кўча эшик томондан: «Содиқ ақа, хў Содиқ ақа» деган овоз келди.

Содиқжон ўрнидан эринибгина тураркан, яна ким тўйга айтиб келдики, ишқилиб қариндошларимдан бўлмасин-да, тўёнаркин олиш яхшию, бериш қийин

- экан, деган ҳаёлда кўча эшигини очди.
- Эшик олдида Содиқжоннинг узок қариндошларидан Рустамжон кайфияти йўқ аҳволда саломлашди. Содиқжон уни уйга таклиф қилди.

— Бувимларни бериб қўйди, эртага бомдога чиқаришар экан, — деди Рустамжон ерга эгилганча.

Ҳаёлида тўю тўёнани ўйлаб турган Содиқжон, нима гапниги нинг англолмай шошганча:

— Ҳа, муборак бўлсин, қачон? — деб юборганини бўлмади қолди ва эс-хушини йиғиб олиб, нима гапниги қайтадан сўради.

Шу кеча Содиқжон ухлолмай, тўғониб чикди. Санаторийга дам олишга ётай деса, қариндошларига тўёна бериши, қудаларини, қизи ва набирасига совға олиши зарур. Энди нима қилиш керак. — Ўйлай-ўйлай, бир қарорга келди. Хотини айтганидек «Емоқнинг қусмоғи бор», «Қудачилик — минг йилчилик». Ке, соғлиғим ҳозирча қутиб турар, пул зарур. Санаторийга атаб олиб қўйган пулимдан тўёнларни қайтарсам бўлади. Эртадан бошлаб ишга тушиб кетсам, қудаларимга ҳам совғасаломлар олишга улгурарман. Соғлиқ кетса ҳам, обрў кетмасин, деди ўзига-ўзи Содиқжон.

Дилором ИКРОМОВА

Янги тушган келин эрта тонгда кўча эшик олдиларини супураётганди, бир одам келиб, ундан сўради:

— Саримсоқ амаки уйдадилар?

— Билмадим, сиз айтган киши бу ховлида яшамайдилар.

— Сиз янги тушган келин бўлсангиз керак-а?

— Шундай.

— Бўлмаса, қайнотангизга айтиб қўйинг, қўшни Баланд кўприк маҳалласида турадиган Аскарвой деган ошангиз эртага бўладиган наҳорги ошга айтдилар, деб, хўпми?

— Хўп бўлади, албатта айтганим!

Келин қўлидаги супургисини ушлаб турган ҳолда у кишининг кетидан тикланганча ўйлаб қолди: «Тавба, қайнотамнинг исмлари Ахтам-ку, нега бу одам Саримсоқ амаки, дейди. Ё бирор ҳазил-кашларданмикан?»

Орадан hafta ўтгач, келин ўз ота-онасини кўргани туғилиб ўсган уйга борганида райхон, жамбил, турли хил гул кўчатлари олиб келди. Қайнонасининг кўрсатмасига

биноан ховлидаги ток сўри тағидида очик эрга қўчатларни экди. Бирок, эртасига эрта билан сув қуймоқчи бўлиб қараса, қай кўз билан кўрсинки, ҳамма гул, райхон, жамбилларни кимдир кетмон би-

она-болали сигир олгандилар. Ўша сигир-бузоқни сотиб, сизларнинг тўйларингизни ўтказдик. Ана шундан бери кўринган одамга саримсоқ пиёзни мақтаганлари мақтаган. Ҳатто, бирор жойга тўйга-

**САРИМСОҚ АМАКИ**

(КИЧИК ХАЖВИЯ)

лан кириб, чолиб ташлабди. Кўзлари ёшлангудай бўлиб, у қайнонасиндан ким чолиб ташлаганини сўрабди.

— Хафа бўлманг, келин-пошша! Бу — дадангизнинг ишлари. Улар гул, райхонларни хўш кўрмайдилар, гўё ерни бекорга банд тиклармиш, фақат, ейдиган ҳосилли экин экиш зарурмиш.

— Ахир, гулу райхонлар ховлимизнинг кўрки бўлади-ку!?

— Э, келинпошша, чолим тушмагур бундан икки йил бурун шу ховлининг ҳаммасига саримсоқ пиёз экиб, жуда кўп ҳосил олганлар. Ўша йили саримсоқ пиёзнинг пулига

ми ё меҳмонга борсалар ҳам ўша саримсоқ пиёз деган ўлгурни тилларидан туширмаганлари тўфайли ҳамма таниш-билишлари «Саримсоқ амаки» деб, лақаб қўйиб олишган.

— Унда гул, райхонни нега ёқтирмайдилар?

— Кимдир, гул ҳосиятсиз бўлади, деб тушунтирган экан-да, чолим шўрликка! Бундан буён қайнотангизга гул, райхондан гап очманг, балого қоласиз-а!

— Маҳалладаги ҳамма ховлиларнинг кўча эшиклари олдида гуллар яшнаб, очилиб турибди, бизникида куруқ тупроқ уюмлари. Бунинг сирига

энди тушундим, ойижон!

— Ҳа, тушунганингиз яхши, келинпошша! Ҳатто, кўкларда маҳалла оқоқоли келтириб берган гул кўчатларни ҳам кўча эшик олдида экмадилар-а?!

Кечаги чоршанбада оиладагилар Саримсоқ амакининг олтимиш беш ёшга тўлганини нишонлашди. Амакининг ўғил-қизлари оталарига ҳар хил кийим-кечақларни совға қилишди. Фақат, янги тушган келингина анвойи гуллардан дасталанган гулдастани қайнонасига тақдими этди:

— Дадажон, ҳаммаша шу гуллардай яшнаб юринг, димоғингиздан хушбўй гул ислади сира-сира аримасин! Илоийм, ховлимизни ҳам шундай гуллар яшлатиб турсин!

Аммо, келиннинг гулдастаси-ю сўзлари Саримсоқ амакига эриш туюлгандек бўлиб, ховлидаги ток сўри тағига бир қараб қўйди ва ичиди «Аттанг, бекор чолиб ташлаган эканман» деб ўйлади.

Одил КЎЧҚОРОВ

**ХАНДАЛАР**

Олисадаги бир қишлоққа эскироқ «Москвич» машинасида борган одам йўлда дуч келган кишидан сўради:

— Биродар, машинанинг тормози ишламай қолди, шу яқинроқ орада эҳтиёт қисмлар дўхони борми?

— Бор, шу йўлдан кетаверсангиз чуқур жарлик келади, ҳамма эҳтиёт қисм ўша ерда қалашиб ётибди.

Имтихон пайтида хайдовчилик курсида ўқибтган йигитдан қийатувчи сўради:

— Дейлик, кўча ўртасида бир кампир билан ёш қиз кетяпти, тезликни пасайтириш амри-маҳол, улардан қайси бирини босасиз?

— Домла, кампир қариб қолган, ўшани-да!

— Йўқ, билмадингиз, тормозни босиш керак!

Имтихон топшираётган йигитга комиссия аъзоларидан бири савол берди:

— Машинада қайда кетаётганингизда кўчада нималарга эътибор бериш лозим?

— Домлажон, биринчи галда кўча чеккасида йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари борми ё йўқми, ана шунга эътибор бериш керак-да!

— Ичганим, йўқ, дейсиз-а, қани менга қараб бир уфф дегн-чи? — деди инспектор.

— Кечирасиз, мен автоинспекторларни жуда-жуда ҳурмат қиламан, қандай сизга қараб уффлайман. Бу — ҳурматсизлик бўлади!

Йўлчи қизил ёниб турганида ўтиб кетган машинани автоинспектор тўхтаганида хайдовчи ўзини оқламоқчи бўлди:

— Кечирасиз, кўзим тиниб кетиб, қизилни кўрмабман!

— Унда хайдовчилик гувоҳнома-сини топширинг-да, кўзни давола-тиб олинг!

**БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДАГИ ГАПЛАР**

«Ўлган чиябўри устида бургут ва калхат ит-мушук бўлар эди».

(Ҳайвонлар ҳақидаги фильмдан).

«Ҳаво 40-42 даража исийди, кам булутли бўлади. Кучли ёмғир ёғиш эҳтимоли бор».

(Синоптиклар маълумотидан).

«Бой, пешона терисини сўраяпти...»

(«Шум бола» фильми-дан).

«Табиатда шундай ўсимликлар борки, улар ҳашаротлар

билан тирикчилик қилади».

(Хужжатли фильмдан).

«Шунақа-шунақа қилмоқчийди, шунақа бўп қолди, иш ҳам шунақасига кетди, так что шунақа қилганимиз маъкул».

(Сухбатдан).

«Эшитдингизми, Собиржон бошлаб «Нексия» автомашина-сини ютибди».


(Қўшниллар суҳбатидан).

«Юринглар, овқатга кирамиз».

(Хўрандалар суҳбатидан).

«Учоқнинг бошида турган оёқларни олиб келинглар».

(Йиғиндаги суҳбатдан).



Изоҳга ҳожат йўқ. Абдурашул Ҳакимов чизган расм.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИХАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ХУДУДИЙ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ҚАРОРЛАРИГА АССОСАН ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ ВА ҚАРЗ ХИСОБИГА УНДИРИШЛИК УЧУН ХАТЛАНИБ БАНД СОЛИНГАН ҚУЙИДАГИ АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ОЧИҚ КИМОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ.**

2005 йил 19 сентябрь куни қуйидаги автотранспорт воситаларининг кимшоиди савдоси ўтказилади:

1. «Ярим тиркама», 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 53-44 ТН, бошланғич нархи — 316 530 сўм, техник носоз — С.Раҳимов-99/4.

2. «Газ-24» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 57-98, бошланғич нархи — 747 319 сўм, техник носоз — Яққасарой-1033/13.

3. «Газ-24» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 O 26-74, бошланғич нархи — 1 450 000 сўм, техник носоз — Яққасарой-1032/13.

4. «Ваз-21063» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 N 83-82, бошланғич нархи — 1 360 000 сўм, техник носоз — Шайхонтоҳур-148/4.

5. «Даймлер-Бенц-280» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 11-13, бошланғич нархи — 10 816 000 сўм, техник носоз — Юнусобод-136/4.

6. «КАВЗ 3270» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 598, бошланғич нархи — 1 906 569 сўм, техник носоз — С.Раҳимов-93/4.

7. «ЛАЗ-695» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 686, бошланғич нархи — 3 106 862 сўм, техник носоз — С.Раҳимов-94/4.

8. «ЗИЛ 130 Б» автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 596, бошланғич нархи — 2 704 230 сўм, техник носоз — С.Раҳимов-95/4.

9. «КАМАЗ 5320» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 607, бошланғич нархи — 3 067 000 сўм, техник носоз — С.Раҳимов-97/4.

10. «ЗИЛ 130 ПМ» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 603, бошланғич нархи — 1 613 000 сўм, техник носоз — С.Раҳимов-98/4.

11. «Иж-2715» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи — 1 232 138 сўм, техник носоз — Юнусобод-77/1.

12. «Ваз 2108» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 K 57-56, бошланғич нархи — 1 920 000 сўм, техник носоз — Шайхонтоҳур-10/4.

13. «Москвич-412 ИЭ» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 81-41, бошланғич нархи — 409 600 сўм, техник носоз — Шайхонтоҳур - 574/13.

14. «Митсубиси Паджеро» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси M 15-25, бошланғич нархи — 8 200 000 сўм, техник носоз — С.Раҳимов-№164/4.

15. «Ваз-2104» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 K 90-74, бошланғич нархи — 1 400 000 сўм, техник носоз — Юнусобод - №170/4.

16. «Ваз-11113 Ока» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи — 784 000 сўм, техник носоз — Миробод-182/4.

17. «Иж-2125» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 O 73-85, бошланғич нархи — 400 000 сўм, техник носоз — Юнусобод-№173/4.

18. «ЮМЗ-6КЛ» трактори, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 26-40 ЕГ, бошланғич нархи — 335 781 сўм, С.Раҳимов-№160/4.

19. «Ваз-21053» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 A 662, бошланғич нархи 236 637 сўм, техник носоз — Чилонзор-№155/4.

2005 йил 11 октябрь куни қуйидаги автотранспорт воситаларининг кимшоиди савдоси ўтказилади:

1. «Газ-5312 КО5036» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 711, бошланғич нархи — 304 255 сўм, техник носоз — Миробод-226/4.

2. «Газ-53 ПВМ3» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 A 468, бошланғич нархи — 365 000 сўм, техник носоз — Миробод-№225/4.

3. «Газ-5312» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 784, бошланғич нархи — 308 000 сўм, техник носоз — Миробод-223/4.

4. «ИЖ-271501-11» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 791, бошланғич нархи — 214 000 сўм, техник носоз — Миробод-№224/4.

5. «Зил-ММЗ-4502» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 631, бошланғич нархи — 298 000 сўм, техник носоз — Сергели-234/4.

6. «Иж-21251» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 G 92-90, бошланғич нархи — 181 000 сўм, техник носоз — Учтепа-230/4.

7. «Гранд Чероки» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 612 МХ06, бошланғич нархи — 5 300 000 сўм, техник носоз — Юнусобод-№222/4.

8. «Газ-53» автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 952, бошланғич нархи — 1 203 982 сўм, техник носоз — Учтепа-228/4.

9. «Газ-53А» автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 947, бошланғич нархи — 677 530 сўм, техник носоз — Учтепа-228/4.

10. «Газ-66» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 949, бошланғич нархи — 1 613 385 сўм, техник носоз — Учтепа-228/4.

11. «Газ-53А» автомобили, 1968 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 951, бошланғич нархи — 320 317 сўм, техник носоз — Учтепа-228/4.

12. «Газ-5228» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 638, бошланғич нархи — 1 242 903 сўм, техник носоз — Учтепа-228/4.

13. «Газ-5312» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 823, бошланғич нархи — 2 154 493 сўм, техник носоз — Учтепа-228/4.

14. «Пежо-307» автомобили, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 25-99 АВ 4, бошланғич нархи — 4 584 000 сўм, техник носоз — Юнусобод-№221/4.

**Кимшоиди савдолари соат 16.00 да бошланади.**

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимшоиди савдоси эълон бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 12.00 дан 18.00 га қадар ишчи гуруҳ вакиллари томонидан амалга оширилади ва кимшоиди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмои Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

*Ҳаётий*

хакимоналар

Эр бир тарафда, хотин иккинчи тарафда теле-фонда гаплашишяпти:

— Хотинжон, қалай, яхши дам олаяпсанми?

— Жуда яхши, дадаси. Ваннаси, сувлари зўр... Кеча тушимга мушугимиз кириб чикибди.

— Юрагинг сезибди-да, хотин...

— Вой ўлай, нима гап? Бундоқ тушунтириб гапирсангиз-чи! Мушугимизга нима қилди?

— Ўлди.

— Вой шўрим, дадаси, жудаям кўполсиз-да, шу гапни сал юмшатиб айтсангиз бўлмайди?

— Масалан, нима дейин?

— Мундоқ, юмшатиб, томда ўтирувди, кейин томдан йиқилиб жони узилди денг.

— Хўп хотинжон, қайта сўра.

— Мушугимиз қалай?

— Томда ўтирибди.

Қарасанг энди, томдан йиқилиб, «виғ», этди-ю, жони аста узилиб қолса бўлади.

— Мана бу бошқа гап.

Хўп майли, ойим қалайлар?

— Томда ўтирибдилар.

— Нима?...  
...

Рашкчи хотин эри ишдан келгач, кийимларини текириб, битта қора соч толасини топиб олди.

— Ҳмм, айтмадимми, эркакларда вафо йўқ. Бугун қора паҳмоқ сочлисидан билан бўлибсиз-да?!

— Эй, қўйсанг-чи, хотин, бу ўзимнинг сочим.

Эртасига шу текширув яна такрорланди. Бу сафар сариқ жингалак соч учраса бўлади.

— Бугунгиси жингалак сочли маржа экан, ҳе, бетинглар курсин...

Индинига яна текширув бўлди. Ҳайриятки, эрнинг костюмидан ҳеч қанақа соч толаси топилмади.

— Шунда хотин кич-қирди:

— Вой дод, бугун кал хотин билан бўлганга ўхшайди...

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

газеталари тахририяти  
реклама агентларини  
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

**ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**

Тошкент метрополитен қурилиш Дирекцияси «Метрополитен капитал қурилиш Давлат унитар корхонаси» этиб қайта ташкил қилинди.

Расм, ракс, мактабга тайёрлаш, рус ва инглиз тилини ўргатамиз.  
Метронинг «Тинчлик» ва «Беруний» бекатлари.  
Телефон: 393-52-40

**АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!!!**

2005 йил 15 августдан 2006 йил учун Республика ва Россия нашрларига обуна қабули бошланди. Обунани шаҳарнинг барча алоқа бўлимларида ва Бошпочтамтда расмийлаштиришингиз мумкин. Сизни қизиқтирган саволлар бўйича 133-47-49, 133-73-56 телефонлар орқали боғланишингиз мумкин.

**«Тошкент почтамати» маъмурияти**

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси хузуридаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 11,14,18,21,25,28 октябрь ва 1,4,8,11,15,18,22,25,29 ноябрь кунлари ўтказиладиган кимшоиди савдоларига тақлиф этади!

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:  
Яққасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 73-уйда жойлашган ДАТ «Асака» банки Тошкент шаҳар филиалининг:  
— 1999й. и/ч, д/р 10АН 774 бўлган Дамас русумли а/в. Бошланғич нархи 2 160 000 сўм.  
— 2000й. и/ч, д/р 10АО 017 бўлган Дамас русумли а/в. Бошланғич нархи 2 384 000 сўм.

Юнусобод тумани, Амир Темури 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган «Тошшаҳарйўловчи» АКнинг:  
— 1998й. и/ч, ГАЗ 3102 русумли а/в. Бошланғич нархи 2 105 000 сўм.  
— 1995й. и/ч, Opel Вектра 1,8 S русумли а/в. Бошланғич нархи 3 362 340 сўм.  
Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% микдоридаги закатат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 х/рига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

2005 йил 27 августдан бошлаб

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

КУЗГИ-КИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ «ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ» Катта халқаро байрам дастури Дастурдан:

ўргатилган кучуқчалар, маймунчалар, каптарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бўғма илон билан, чавандоз йигитлар ва бошқа кўплаб иштирокчилар ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган.

**ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!**

Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.

Чинталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталаб соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Шарқ дурдоналари



**ХИКОЯТ.** Бир доно ҳақимдан одамлар сўрашди:  
— Бу дунёда яхшилар кўпми, ёмонларми?

Доно ҳақим жавоб берди:  
— Дунёда яхшилар кўп, ёмонлар оз... Бир тасаввур қилинг. Бир челақ тоза сувга бир томчи қора сиёҳ туша, ҳаммасини булгайди. Она-табиат эса сувни хаволатиб, оқизиб, думалатиб, барибир қора сиёҳ доғидан тозалайди... Одамлар ҳам шундай, тозалик, поклик, софдиллик инсон табиатида олам охиригача туради, яхшилар борки, бу дунёда гуллаб-яшнаб омон яшайпти...

**Байт:**  
**Боқаман кўзда зиё,**  
**мангу барқарор дунё,**  
**О, кенга кендир**  
**дунё, торга эса тор дунё.**  
**Кимдир ҳаёт ошиги,**  
**баланд парда кўшиги,**  
**Суйганга суюқ дунё,**  
**суймаганга тор дунё.**

● Номард киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди. Разилонга яшагандан кўра мардона ўлган минг марта афзал.

● Атрофдаги барча нарсани унутиб, фақатгина бир нарсанга ортиқча меҳр қўйиб кўзни кўр, қулоқни кар қилади.

● Бир ҳақимнинг айтишича, хушмуомалалиқнинг ўн та белгиси бор. Улар қуйидагилар: инсоф, ақл, илм, ҳилм, олижаноблик, қўрқам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулоимлик. Мана шу хислатларни ўзида жамлаган одамдан зинҳор ёмонлик кутиб бўлмайди.

● Баён қилишларича, бирор идишга мой қўйиб қўйилган бўлса, унга мой қўйиб қўйилганини ташқаридан қараб билиш мумкин. Шунингдек, одамнинг ҳам юзи, кўзи, тили ва кўринишига қараб унинг дилида нима борлиги, кўнглидан не хаёллар кечаётганини сезиб олиш мумкин.

● Бир кўни бир ҳақимдан:  
— Ботирлик яхшими ёки ақлу тadbирми? — деб сўрадилар.

У эса:  
— Ботирлик тиг бўлса, ақлу тadbир кўлдор. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса, қўл тиссиз ҳам уни амалга ошира олади, ammo тиг қўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муяммол! — деб жавоб берди.

● Бир ҳақимдан:  
— Қандай одам жазога лойиқ? — деб сўрадилар.

У эса:  
— Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга эзиданга қўйиб илончаён каби газандалардир. Ammo шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган ёмонликларига жазоланадилар. Шу тариха кишиларни ҳатто одам дейиш ҳам ноўриндир!

**ЎРТАДАН ИНСОФ КЎТАРИЛМАСИН**

Жанжалнинг боши келиннинг уйига кеч қайтгани бўлди.  
— Бу нима деган гап? — бобилдади қайнона ёвқарса қилиб. — Мен келин олганманми ёки ўзинга қайнонами? Қачонгача қўлим косов, сочим сугурги бўлади. Бўлди бас, ҳали ўғлим келсин ҳаммасини айтман. Ё хотин, ё онани десин.  
— Ойижон, беадаблик қилган бўлсам кечирасиз. Уй юмушлари келин бўлибми, шу имтиҳон ўлгурдан ҳеч ҳам ўта олмайдим. Бугун келин кечгача домлани пойлаш билан ўтди. Келаман деган одам, келмас нима қилай?  
— Вой-вой, ҳали бугун ҳам топширмадингизми? Яна эртага баҳона тайёр эканда.  
— Майли ойижон, сиз рози бўлмасангиз ўқимай қўя қолай. Фақат бешинчи курсга ўтганимда ўқини ташлаб кетиш алам қилаяптида.

сўзни қувватлай кетди. Қуёв йигит ўша дамдаёқ «қарзини» узишга жазм этди. Тайёргарлик бошланиб кетди.  
Биринчи қадаҳ қуёв ва келиннинг соғлиғига кўтарилди. «Хўш сенчи?» дейишди дўстлари қўлидаги қадаҳни ичишга иккиланиб турган Кабиржонга.  
— Шундай сўз учун ичмаслик гуноҳ.  
— Шу вақтдан келини ўргатиб бормасанг, кейин сенга бутунлай бўйсунмай қўяди.  
— Ё ҳозирдан ногорасига ўйнаясанми?  
Чекка-чеккадан айтилган сўзлар Кабиржоннинг нафсониятига теги. У ўзининг қимлигини кўрсатиб қўймоқчи, хотинининг чизимидан чиқмайдиган пандавакни йигитлардан эмаслигини исботламоқчи бўлиб кетма-кет ичди.  
Жўралар алламаҳалда тарқалишди. Кабиржон даран оёғида турсада сир бой бергиси келмади. Дўстлари билан хайрлашиб уйига жўнади. Катта йўлни кесиб ўтаётганида жоғае руй берди. Чайқалиб бориб

**ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН**

**ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ**

Шунча меҳнатларим зое кетадими?  
— Мен сизнинг ўрнинида бўлганимда аллақачон ташлаб юборардим, шу жувонмарг ўқишни. Нима, ўқиб тоғни олиб берармидингиз? Жанжалнинг устига ширақайф Ҳулмонж келиб қолди.  
— Тинчликми, нима бўлди? — сўради онасиндан.  
— Дард бўлди, бало бўлди. Мен сенга айтдим, ўқимишли келин керакмас деб, кўнмадинг. Мана энди пишириб ўзинг е. Хар кўни эрта кетиб, кеч қайтади. Ҳа десагиз, имтиҳон баҳона. Яна топширолмай қайтади.  
— Хали шунақами? Ҳов, менга қара.  
Тўсатдан юзига тушган шопалоқ зарбидан Фазилатхон муккаллаб кетди.  
— Вой, бу нима қилиқ?  
— Ҳа, ёқмадим, ёқмасе ана катта кўча.  
— Шунанамми ҳали?

шитоб билан ўтиб кетаётган машинага урилди.  
Шифокорларнинг муолажалари ёрдам бермади. Эндигина 22 баҳорни қаршилаган йигит ҳаёт билан абадий хайрлашди.  
Эртасига тушлик пайти марҳумни дафн этдик. Кабристондан ҳаммамиз паршоноктор қайтдик. Фотиҳа учун ҳовлига кирганимизда онаизор фарёд уриб йилғарди. Ҳаммамизнинг кўзларимиз қайноқ ёшга тўлди.

**КЎШНИЧИЛИК — МИНГ ЙИЛЧИЛИК**

Кўшнилари ҳақида кўп ёзилган. Яхши, меҳр-оқибатлилари мақталган. Бир-бирига эътиборсиз, ўзаро чиқишолмайдиган кўшнилари қораланган. Агар бир дўстимиз айтиб берган воқеа бўлмасе биз ҳам бу мавзунни четлаб ўтардик.  
— Кеңқурун ишдан ҳориб-чарчаб уйга келсак, йўлагу ҳовлилар алғов-далғов, чаңг-тўзон, дархат ва ёғоч парчалари сочилиб ётибди, — деб киноя қилди у. — Не кун десақ, кўшнимиз ўртадаги девор устига ўрнастилган сабабимасини бузиб ташлабди. Куймаланиб юрган усталардан сабабимини сўрадик.  
— Камол акам «буз» дедилар, буздиқ. Энди бостирмангиз ўрнига икки қаватли уй курамини. Биринчи қавати ошхона, иккинчиси ётоқхона бўлади.  
— Ахир биз яшайдиган уйимиз рўпарасида (оралиғи 3 метр) молхонаси бор эди. Бунисига юз амри иссиқлик қилиб чидардик, индамасдик. Энди икки қаватли қилиб уй куриш қандай бўларкин? Ахир кўча томонда кўш қаватли уйи бўлса, шунча уй эрхотин ва уларнинг биргина қизи учун етарли эмас эканми? Боз устига ўтирадиган супамиз сизлар курайдиган уйнинг шундоқ тағида бўлса, бундан буён қуёш кўрмай қоронғуда ўтирарканмизда.  
— Ўзларига айтинг. Бизнинг вазифамиз бажариш, — дейишди усталар.  
Айтдик. Кўнмади: Орага ҳолислар аралашди. Нихоят ҳашаматли уй ҳовлининг нариги томонига куриладиган бўлди. Ҳақиқат қарор топди-я, лекин ўртага совуқчилик тушди-да. Мана шуниси ёмон бўлди.

**УМР ЗАВОЛИ**

Кабиржон бевақт оламдан кўз юмди. Унинг онаизори Мастура хола ҳам, бир ҳафталик келин Салимаҳон ҳам ёқа йиртиб қолавершиди.  
Шум хабардан маҳалла ахли, қариношлар ларзага келди. Санамай саккиз дейдиган баъзи бировлар таъна тошини келинга отишди. «Қадами ёқмади». «Шум қадам» каби сўзлар таъзияга келган хотинлар оғиздан эшитилиб турди. Биров эса айбони ҳайдовчига қўйди. Яна биров ҳамма иллатни ичкиликдан кидирди.  
... Уша кўни кечки пайт Кабиржонни ҳаммасе дўстлари курашаб олишди. Улардан бири «куёв оши» ҳақида оғиз очиши билан ҳамма шу

**МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ**

**10 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА**  
Доимий ҳамроҳимиз — мунажжим Лина Саванская таъбирига кўра, ҳар қандай сафарлар, шу жумладан хизмат сафарлари ва турли саёхатлар бугун омадли ва хайрли бўлади. Ички туйғуларингизга ишончи йўл кўришингиз мумкин.

пайларингиз оғриғига бепасандлик зарар келтиради.

Юлдузлар ҳисобчиси С.Ильичёв бугунги кун ҳоимиси Спента-Армаити эканини айтди. Маждозий маънода «жанг қилиб» уйга қайтишингизда олдингизда икки йўл бўларкан: биринчиси ювощ жонивор эшакнинг йўли бўлиб, ерга ишлов бериш, тақдирга тан бериш ва итоткорлик йўли. Иккинчи йўл куёвнинг йўли бўлиб, бебошлик, бузуқлик, маишатбозлик, нафс бандасининг йўли.

**11 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА**  
Шундай қилиб бугун ҳаммамизни ёқимли хушбахарлар, ажойиб истиқболлар, қувончли воқеа-ҳодисалар кутади. Мунажжимларимиз шуларни ваъда қилишяпти.

Тушларга бугун эътибор қилинмайдилар. Соат 17дан бошлаб электр асбоблари ва олов билан муносабатда эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Очик ҳаводаги нафас олиш машқлари саломатлигингизга яхши таъсир этади. Кийим-кечаклардан ранги ўчган, кўзга ташланмайдиган либослар бугунги кун руҳига мос келади. Жуда ёрқин, ялтироқ ранглардан йироқроқ бўлинг.

Айни пайтда, бошқа кун мунажжимнинг таъкидлашича, бугунги кун дардмандларга шифо бахш этувчи кун. Совуқ сув бугун ноёб ва қудратли хусусиятларга эга бўлади. Устингиздан сув қуйишингиз, совуқ сув билан чиникиш суниси бошлаб юборишингиз, тоғ сувидек муздай сувда чўмилишингиз мумкин.  
Кун дехқончилик ишлари, кўчмас мулк савдоси учун, жиддий ишларга қўл уриш, илмий тадқиқотлар учун юат қилади. Ҳаммом ёки саунага бориш, мураккаб дори-дармонларни тайёрлаш билан шуғулланиш самарали бўлади.

**ШАНБА КУНИДА:**  
— сафарга, хизмат сафарига, экскурсияга йўл олиш;  
— ижтимоий ва оилавий муаммоларни ҳал этиш;  
— интеллектуал меҳнат, ижтимоий фаолият билан шуғулланиш;  
— ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимлари билан мулоқотда бўлиш;  
— виждонингиз амри бўйича иш тутиш.  
Аҳволингиз ёмонлашувига бепарво бўлиш,

Бугун ёмғирда қолиб шалаббо бўлиш — яхшилик аломати, идиш-товоқчи синдириш ёки у ер-бу ерини кесиб олиш — нохушлиқдан огоҳлантириш демекдир.  
Кийимлардан кумушранг ва ҳаворанг либослар ярашқили бўлади. Қора рангли ва бошқа ҳамма ялтироқ либосларни бугун жавоннинг нариги бурчагига суриб қўйинг.

**ЯКШАНБАДА:**  
— бошлаган ишингизни давом эттириш;  
— сугурта полисини, мулкка эгалик ҳужжатларини расмийлаштириш;  
— йирик харидлар қилиш, мебель, интерьерга керакли ашёларни, идора техникасини сотиб олиш.  
Бир йўла бир неча иш билан машғул

бўлишни маслаҳат бермаймиз.

**12 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА**  
Душанба — оғир кун дейишлари бежиз эмас чоғи. Мунажжимлар бугунги кунни йўлдан оздаришдан, хом хаёлликлар, адашишлар, алдинлар кўни деб тавсифлашган. Шу муносабат билан танадан тикинлар ва ортиқча нарсаларни чиқариб юборадиган ҳар қандай муолажалар, ортиқча вазндан халос бўлиш фойдали.

Агар олдинги кун бирламчи шакл ва покликни яратган бўлса, бугунги кун унга ҳаёт нафасини уфурди. Яъни бугунги кун «тирик сув» кўни — Амеша-Спента Амертат одамларга тиниқлик, осойишталик, ўзгаришларни бахш этади.

Тасодифан қайноқ сувда қуйиб қолиш — покляниш демекдир. Электр лампасининг қуйиши, чирокнинг ўчиши — хасталиклардан огоҳлантиришдир.

Бугунги тушлар кўрқинчли, ammo ёлғон тушлар бўлиб, уларга эътибор беришининг ҳождати йўқ.

Либослардан оқ ва сариқ ранглилари бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Қора ва жигарранг тусли кийимлардан бугунча воз кечганиннгиз маъқул.

**ДУШАНБА КУНИДА:**  
— янги ишни, айниска кўлдан буён пухта тайёрланиб юрган ишингизни бошлаш;  
— кайфиятингиз ёмонлиғига ва рўзгор ташвишларига кўп ҳам эътибор бермаслик (зеро, тез орада ҳаммаси жойига тушиб кетади);  
— ишлаб чиқариш ва молиявий муаммоларни бартараф этиш.

Тартиб-қоидаларни бузиш, йўриқнома ва тавсияномаларга риоя қилмаслик, юрак атрофидаги оғриқларга эътибор бермасликдан эҳтиёт бўлинг.



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 136-37-65;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет ускуна босилади.  
2496 нусхада босилади. Қўроғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашриет етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлишларига ёки «Тошкент почтматга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.